

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 1 сентябрь, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173 (11.234)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 17 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.
- Энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида ўн та касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.
- «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан Фарғона шаҳрида тўрт қаватли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустақиллик байрами арафасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ёшларига бу ажойиб туҳфа бўлди. Мазкур янги иншоотни бунёд этишда «Саноатсавдоқурилиш» мажмуаси қурувчилари катта ҳисса қўишди. Эндиликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган 48 ёш оила бу ерда уй тўйларини нишонлайди.
- Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси, «Сурхондарёкиتابсавдо» ОАЖ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Китоблар эзгуликка йўллайди» шиори остида китоб байрами ўтказилди.
- Тошкентда БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ёш ижодкорлар танловини ўтказди. Унда журналистика, санъатшунослик ва шарқшунослик йўналишлари бўйича таҳсил олаётган кўплаб талаба-ёшлар ўз билимларини синаб кўришди.
- Фарғона шаҳрида Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» шиори остида шаҳар ва туманлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов якунланди.
- Заңгиота туманидаги «Илм шўъласи» масъулияти чекланган жамиятининг идора буюмлари бозорида Тошкент вилояти миқдосида мактаб ярмаркаси очилди.
- Андижоннинг шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз Мустақиллигининг қутлуғ шодиёнаси арафасида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Андижон шаҳрида қишлоқ фуқаролар йиғини жамоалари ўртасида оммавий юғурши маррафони «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида уюштирилди. Унда юзлаб хаваскор спортчилар ўз имкониятларини синавдан ўтказдилар.

МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУХРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошларим, юртдошларим!

Мухтарам меҳмонлар!
Бугун кўпмиллатли халқимиз мустақил Ватанимизнинг 17 йиллик қутлуғ тўйини баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мана шу барчамиз учун энг улуг, энг азиз истиқлолимиз байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбдан табриклаш менга насиб этганидан чексиз бахтиёрман.

Қадри дўстлар!
Биз бугун ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўлимизни ҳолисона баҳолар эканмиз, эски мафзуравий тизим ва ғоялардан бутунлай воз кечиб, янги ҳаёт барпо этиш йўлида қўлга киритган, дунё аҳли тан олаётган юксак марра ва ютуқларимиз барчамизга гурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мустақилликка эришгандан кейин амалга оширган кенг қўламли ишларимиз, биз мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маънавий-маърузини мутлақо ўзгартириб юборган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган миллий тараққиёт стратегияси яққо ягона тўғри йўл эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Мана шу ўта оғир ва мураккаб йўлда қанча-қанча синовлардан ўтиб, қийинчилик ва машаққатларни бошимиздан кечириб, аввало меҳнаткаш халқимизнинг мустақам иродаси, қатъияти ва фойдалиги эвазига амалга оширган ишларимизнинг ҳосилини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини, айниқса, мустақил тараққиёт йўлимизнинг кейинги беш-етти йиллик даврида қўлга киритган юксак марраларимиз мисолида кузатиш қийин эмас.
Ҳақатинга охириги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиш даражаси 48 фоизни, йилгига эса ўртача 8 фоиздан зиёд-ни ташкил этгани, аҳолининг реал даромадлари икки қарра, яъни икки маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда икки ярим марта ортгани мамлакатимизни барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

2007 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 марта кўпайди, жорий 2008 йилда ҳам маошларимизнинг ўсиш суръатлари ўтган йўлга нисбатан кам бўлмайдиган, иншоолло.

Ўзгаришлар ҳавасини тортидиган бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда аниқ мақсад билан, изчил олиб борилаётган, чўқур ўйланган ислохотларни жорий этиш ва маънавий ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган сиёсатнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат, барқамол авлодни вояга етказиш каби муҳим соҳаларга алоҳида эътибор бераётганимизни қайд этиш зарур.

Бугун диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжihatлик муҳити, ёрдам ва қўмакка муҳтож бўлган инсонларни эътиборсиз қолдирмаслик, муҳтарам фажрийларимизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш каби инсонпарварлик руҳида олиб бораётган эзгу ишларимиз давлат сиёсатимизнинг узвий бир қисмига айланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда ёшларимизга кенг йўл очиб бериш, шу борада 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз, ҳаётга кириб келаётган навқирон авлодимизнинг билим ва тажриба эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши, ёш оилаларнинг оёққа туриши учун ҳар томонлама ёрдам бериш — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, бугун биз қураётган янги ҳаётнинг илдиз ва пойдеворини янада мустақамлашга замин яратмоқда.

Мухтарам юртдошлар!

Бугун юртимизда амалга оширган улкан ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, айна пайтда олдимизга қўйган улуг мақсадларимизга, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига етиш учун ҳали белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарурлигини, уйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Мана шу кўзлаган юксак марраларимизга етиб бориш, эртанги кунга мустақам ишонч билан қараб яшаш учун бизда барча асослар бор.

Биринчидан, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз ўтган давр мобайнида оғир синов ва қийинчиликларда товланди, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишда анча тажриба орттирди. Айтиш мумкинки, келажагимизнинг мустақам пойдеворини қуриб олди.

Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазнимиз ва салмоғимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам янада ошиб, Ватанимиз олдида янги уфқлар ва имкониятлар очилмоқда.

Иккинчидан, эртанги кунга ишончимиз кучайиб бораётганининг яна бир муҳим омил шундаки, бизнинг ўз олди-

мизга қўйган марра ва режаларимиз аниқ ва равшан.

Бу режалар аввало бой имкониятларимиз ва салоҳиятимизга таяниб, бошлаган ва амалда ўзини оқлаган ислохотларни чуқурлаштириш ва босқичма-босқич давом эттириш, халқаро илгор тажриба ва ютуқлардан фойдаланиб, мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатлари билан ривожлантиришдек юксак мақсадларимизни амалга оширишга қаратилган.

Учинчидан, ёруғ келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти ва гарови ҳаётимизнинг барча жабҳаларини — бу сиёсий ёки иқтисодий соҳа бўладими, ижтимоий ҳаёт ёки суд-ҳуқуқ тизими бўладими — буларнинг барчасини янада такомиллаштириш, аҳолиимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ижтимоий ва нодавлат ташкилотларнинг мавқеи ва таъсирини ошириш, бир сўз билан айтганда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда бу масала энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чўқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намён бўлмоқда.

Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий соғлом, барқамол ёш авлодимиз тимсолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Мавлўми, Шарқда азал-азалдан 17 ёш балоғат ва етуқлик рамзи ҳисобланади. Истиқлолимизнинг биринчи йилида туғилган фарзандларимиз бугун умрининг ана шундай гўзал ва беғубор фаслига қадам қўймоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ўн етти ёшга тўлган навқирон йўл-қизларимизнинг сони олти юз етмиш уч минг кишини ташкил этмоқда.

Улар ва уларнинг қаторида охириги ўн йил давомида бутунлай янгитдан қурилган мактаб, лицей ва коллежларни тутатиб, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, қалби, юраги шижоат ва жўшқинлик билан тўлган миллионлаб ёшларимизнинг ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётгани барчамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, бундай қудратли тўқин, бундай катта бойликка эга бўлган юртни енгиб бўладими!

Бешинчидан, биз бугун барча эзгу орзу-интилишларимизни, ҳаётий режаларимизни амалга оширишда жаҳон ҳам-жамияти билан жамоаранг бўлиб яшаш, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб обрў-эътибор ва ишонч қозонишни яна бир муҳим омил, деб биламиз.

Бизга елкадош бўлиб, халқимизнинг салоҳияти ва эртанги кунига ишонч билдирган хорижий ҳамкорларимиз билан ҳар томонлама амалий алоқаларни кенгайтириш учун ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Бу борада биз ўзаро манфаатларга жавоб берадиган, минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган муносабатларни ривожлантириш, барча можароларни тинч йўл билан ечишга ўз ҳиссамизни қўйиш, шу аснода ўз фаоллигимизни янада оширишни устувор вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчиларини, муҳтарам меҳмонларимизни, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган барча чет эллик дўсту биродарларимиз ва ҳамкорларимизни эл-юртимиз номидан қўлаб, уларга самимий тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз ва қадри ватандошларим!
Биз бундан 17 йил муқаддам дунёда ҳеч қимга қарам бўлмасдан, эркин ва озо, фаровон ҳаёт қурамиз, деб азму қарор қилдик.

Шу мақсадда истиқлол йўлини, мустақиллик йўлини танладик. Бу йўлдан қатъий бормоқдамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз!


Бугун мен мана шу юксак минбарда туриб, шу буюк мақсад сари собитқадимлик билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда бўлган энг эзгу туйғуларимни изҳор этаман.

Барчангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОГИДА ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



Бундан ўн етти йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Жаҳон жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида улуг аждодлари ва буюк мутафаккирлари башарият цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига беҳиёс ҳисса қўлган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди.

Бугун халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллигини кенг нишонламоқда. Жорий йилда ушбу қутлуғ айём бутун мамлакатимиз бўйлаб «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу ғоя асосида тантанали қилинаётган бежиз эмас. Эеро, бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фажр-ифтихор бағишлайди.

Мана шу шўқули дамларда ҳар биримиз Истиқлол байрамининг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуг неъматининг жамки ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, ўтган аср сўнгида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англаймиз.

Мустақиллик — халқимизнинг кўп йиллик қурашлар натижасида қўлга киритган буюқ тарихий ютуғидир. Мустақиллик — озо, обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюқ имконият.

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирish имконини бергани, инсоннинг барча соҳада истеъдо,д ва қобилиятини тўла намён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун мустақам ҳуқуқий асос бўлиб келаётгани билан қадридир.

2008 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шўқули, гўзал, салобатли. Бу йил байрамни бадиий жиҳатдан янада юксак савияда нишонлаш мақсадида боғ ва улкан майдон фуюнкор тарзда безатилган. Саҳна атрофида аввалги иккита мониторга қўйишма равишда яна бир улкан экран ўрнатилган. Ранго-ранг байроқчалар ва декорациялар, мато-гулканлар ва пневмо-фигуралар, ёнар шарлар, янги турдаги безак-ёриткичлар боғ теграсидаги ям-яшил арчалар, мажнунтолла-лар ва авлод гуллар билан ажиб бир уйғунлик касб этган.

Бу ерга ҳуқумат аъзолари, Олий Мақлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият, санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юри-таётган хорижий давлатлар элчиларини, халқаро ташкилотлар вакиллари таширф буорган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан қўтиб оладилар.

Чорлов мусикаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади. Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНДА

- Афғонистон, Эрон ва Тожикистон раҳбарлари терроризм, трансмиллий жиноятчилик, наркотиқсанапеция ва бошқа глобал таҳдидларга қарши қурашишда ҳамкорлик қилади. Ҳар учала давлат раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашувда ушбу мамлакатларнинг келгусидаги иқтисодий интеграция масалалари, жумладан, тоғ-кон саноати, транспорт ва гидроэнергетика соҳаларида ҳамкорлик қилиши муҳокама этилди.
- Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт ва Фаластин миллий мухторияти раҳбари Махмуд Аббос Иерусалимда тинчлик йўлида ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларини муҳокама қилишди.
- Тўртинчи тоифали хавфлилик даражасига етган ва соатига 300 километр тезликда ҳаракатланаётган «Густав» тўфони Мексика кўлтигига етиб келди. Ҳозирда тўфон яқинлашаётган АҚШнинг Нью-Орлеан шаҳотида фавақулда ҳолат эълон қилиниб, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ишлари бошланди.
- АҚШда «Аср тўфони» деб эълон қилинган «Густав» тўфонининг яқинлашиши муносабати билан Республиканинг партиясидан мамлакат Президентлигига номзод Ж.Макейнинг таъкидлашча умуммиллий партия сьездини ўтказиш муддати сурилиши мумкин.
- Хитойдаги пиротехника воситаларини ишлаб чиқариш фабрикасида юз берган портлаш натижасида 13 киши ҳалок бўлди.
- Кабардин-Болқорияда номаълум кишилар томонидан патрул машинасининг ўққа тутилиши натижасида йўл-патрул хизматининг икки нафар ходими ҳаётдан кўз юмди, яна иккитаси эса яраланди.
- Россиялик профессионал боксчи Николай Валуев Жон Румсни енгиб WBA тоифаси бўйича энг оғир вазнда вақтинчалик жаҳон чемпиони уновини қўлга киритди.
- 31 ёшли Бельгия фуқароси Луи-Филипп Лонг Австралининг Симпсон саҳросини, яъни 600 километрик масофани 35 кунда бир ўзи пиёда кесиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, ушбу чўлда ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича кундузи — 35, кечаси — 3 даража совуқ бўлади.
- Перуддаги Уака пукльона номли ёдгорликда археологлар ноёб топиламага дуч келишди. Экспедиция раҳбари Исабель Флореснинг таъкидлашча, тадқиқот давомида учта мўйибланган тана топилган. Мутахассисларнинг фикрича улар эразмиздан аввалги VII асрга тегишли эканини айтилмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Майдон узра таралаётган куй ва кўшиқ тасирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн етти йили бирма-бир гавдаланади. Бундан ўн етти йил муқаддам мустақилликка эришган, ўзлигини англаб, мамлакатимизнинг бекиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан қатъият билан илгариллаб бормоқда. Ўзбекистонимиз ўтган давр мобайнида неча юз йилликларга тенг тарихий йўлни босиб ўтди.

Ҳеч шубҳасиз, бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат куриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланажак.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданок демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Бу йўлдаги босқичма-босқич ва изчил одимларимиз ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуңлиги конституциявий асосда эътироф этилади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтинчида зиёд халқаро ҳужжатни ратификация қилган.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани айниқса эътиборга сазовор.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий кадрят ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримов томонидан шу йил 1 май куни имзоланган фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган давлат дастури амалга оширилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ана шу каби муҳим қонунлар, фармон ва қарорлар, амалий чора-тадбирлар барча соҳаларда теран ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишга қаратилган «Ўзбек модели»нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига изчил амал қилинаётганини тўла тасдиқлайди.

...Майдонда таралаётган кўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Истиқлол йиллари буюк давлат барпо этишдек эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, бекиёс имкониятлар билан халқимиз фахрланса, қувонса ва ўз шодлигини дўстлар билан, бутун дунё билан баҳам қўлса арзийди.

Қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яхлит суд ҳокимияти тизими шакллантирилди ва уни янада такомиллаштириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, бошқа шу каби фуқаролик ва жамоатчилик институтларини шакллантириш мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, тараққиётимизнинг стратегик мақсадини — «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини рўйбга чиқариш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

...Саҳнада янграётган шеър ва кўшиқларда, рақс ва ялларда халқимизга хос кўтаринки кайфият, юксак ишонч ва ифтихор, мамнунлик, бахтиёрлик ва шукроналик туйғулари баралла акс этади...

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларни бажариш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши изчил таъминланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 9,3 фоизга кўпайгани алоҳида эътиборга сазовордир. Ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қўлай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омили бўлди.

Республикамизда ўтган қисқа даврда мутлақо янги ва замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилди, минглаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўз навбатида, Маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Хозирги кунда қанчадан-қанча рақобатбардош маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлик билан дунё бозорларини забт этмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Помик» компрессор станцияси, «Нексиа-2» энгил автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, «Жиззах пластмасса» оқ акциядорлик жамиятида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, «Қувасой қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Тагус текстиль», «Пойтутекс», «Сиркежи Тошкент текстиль» қўшма корхоналари, «Асаа текстиль», «Сурхон текс», «Навбахор текс», «Риштон текстиль» тўқимачилик корхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари ниҳоясига етказилди. Энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 фоизга ошди.

Шу йилнинг дастлабки олти ойида 185 йирик ва кичик ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан озиқ-овқат саноатида 75та макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани бу борадаги ишлар нечоғли жадал бораётганининг ўзига хос ифодасидир.

Кўнглида шукронаси бор одам унинг муқофотида албатта мушарраф бўлади. Бундай эзгу фазилат бутун бир халққа хос хусусият бўлса, ризқи бутунлик, толеи баландлик бу халқни ҳеч қачон тарқтмайди. Биз ана шундай халқимиз, дея ҳақли равишда фахрлана оламиз. Бозорларимиз, дастурхонимизнинг тўқинлиги шундан.

Бу йил табиат инжикликларига қарамай боғбонларимизнинг пешона тери туфайли мева-чева мўлк бўлди. Дехқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан галла хирмони бунёд этилди.

Аҳоли бандлиги даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Айниқса, ахборот технологияларидан фойдаланиш, молиявий капитални тўплаш ва кредит-тўлов тизимини ривожлантиришни кучайтиришга асосланган, шунингдек, истеъмол хусусиятига эга хизмат турлари жадал ривожланмоқда.

Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ҳаёти янада фаровонлашувига олиб келмоқда. Юртимизда иш ҳақини кўпайтириш, бандликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори 76,1 фоиз ўсгани шундан далолатдир.

Дарвоқе, жаҳоннинг нуфузли молия ташкилоти — Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ижрочи директорлари кенгашининг 2008 йил 14 июлда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожлантиришнинг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлигини изчил мустаҳкамлаш ва муваффақиятли амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларда ўз ифодасини топаётган натижаларни юксак баҳолади.

Бу ютуқларимиз замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассам.

...Кўнглимизга ўқтамлик бағишловчи музыкага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мана шу шукхули айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда қанчадан-қанча қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда. Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатагон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром

сифатида бунёд этилган ёдгорлик мажмуи бугун янада кўрам ва маҳобатли киёфа касб этди. Музейнинг қўшимча биноси қурилиб, экспозицияси тубдан янгиланган ва бойитилган ҳолда зиёратчилар эътиборига ҳавола этилгани халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Юртимизда халқаро андозалар даражасидаги кенг ва раvon йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк ҳамда транспорт боғламалари кўпайиб бораётди. Истиқлол йиллари янги қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий ҳажми 3200 километрдан ошди. Хар йили ўртача 220 километр йўл янгидан қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда, 400-450 километри тўла, 1500 километрга яқини ўрта таъмирдан

9 апрелда қабул қилинган «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мазкур етакчи олий ўқув даргоҳининг ёшлар интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги бекиёс ўрни ва улкан ҳиссасининг юксак эътирофи бўлди.

Халқимиз истеъдодли, санъатсевар. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқ лозим.

Бинобарин, буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида навқирон авлодни, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараларидир.

...Саҳнада саф тортган «Янги авлод» танлови совриндорларини, улугвор байрамнинг тантанавор руҳига ҳамоҳанг бўлиб, ўзгача фойз ва тароват бахш этиб куйлаётган ва шўҳшан рақс тушаётган Истиқлол тенгдошларини олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

...Даврага болалар чиқадилар. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз ярайди. Қувнок ва серзавк ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болалиқни мадҳ этувчи кўшиқлар, шўҳчан рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади.

Соғлом зурриёд — баркамол авлод ва соғлом миллат асоси. Бугун баалоғат ёшидаги болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вази 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани қузатилмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик даврида медалга қилинган юқори кўрсатиш натижаси, табиий маданиятни ошириш ва умуман, соғлом зурриёдни, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий ишларимиз ижобий натижалар бераётгани, униб-ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан соғлом шароитда ҳаётга қадам қўяётганининг ёрқин далилидир.

Юртимизда табиий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилиш ва юқори маалаки табиий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган иктисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғи, энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган иктисослашган клиникалар ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди — замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Мустақилликнинг дастлабки даврида энг олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсад-муддаоларимизга етиш, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий гурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Ўзбекистон спортчиларининг яқинда Хитой Халқ Республикаси пойтахти — Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинларидан медаллар билан қайтгани мисолида тарихнинг — томирида миллий гурур, Ватан ишқи-жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади, деган ҳақиқати ўз исботини топди.

Майдонга республика спорт мактаби ўқувчилари, «Умид ниҳоллари», «Барка-

мол авлод», Универсиада ҳамда Пекин Олимпиадаси голиблари ва совриндорлари кириб келади. Мамлакат миқёсидаги беллашуларда ва нуфузли халқаро мусобақаларда ёрқин галабалари билан эл-юртимиз эътиборини қозонган, Ватанимиз шухратини тараннум этган музаффар спортчиларимизни байрам ахли қизгин қутлайди.

Ана шундай кезларда Мустақиллик нечоғли буюк нъмат эканини, Истиқлолимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиз эканини ҳам биримиз теран англаймиз. ...Майдонда харбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага саф-саф бўлиб шадхам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Ўзини Ватан ҳимоясидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган харбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини хар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамиятимиз томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — Куролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришнинг асосий шarti ва гаровидир.

...Байрам наволари, куй-қўшиқлар авжа чиқади. Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

...Мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диннатимиз, қўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, барикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётгани ҳам биримизга чексиз гурур ва ифтихор бахш этади.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қутлуг тўйлари халқаро миқёсда нишонлангани бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларимиз изчил ва бардавом эканини яна бир бор тасдиқлади.

...Майдон узра турли миллат кўшиқлари жангалайди. Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Зеро, шу азиз Ватан — барчамизники. Бу заминда асрлар мобайнида ўнлаб миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкамаелка яшаб келмоқда. Юртимизда миллатларро товтулик, динларро баррикенглик муҳити ҳукмрон. Республика-мизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек баррикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очкилик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад — юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда.


Ўзбекистон қўлаб халқаро ташкилотлар ва жаҳон давлатлари билан кенг қўламли ҳамкорликни амалга оширмоқда. Шу тарика юртимиз ҳаётбахш ислохотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлик, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

...Файзли оқшомнинг фарахбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган хаяжон ва шодлик мисоли самода рангбаранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади.

Президентимиз таъкидлаганидек, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намуна-сидир.

Барчамизни шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга беадад шукроналар айтиб, Истиқлолимиз абадий бўлсин, деймиз.

Гулум МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист,
ЎЗА шарҳловчиси



ривожлан- чиқмоқда.

АЖДОДЛАР РУҲИГА ЭҲТИРОМ

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ ҮЛАРОҚ ЮЗЛАБ ЗАМОНАВИЙ ИНШОТЛАР, КЎПРИКЛАР, КЎЧА ВА ХИБОНЛАР, ЗИЁРАТҲОҲ ВА ЁДГОРЛИК МАЖМУАЛАРИ БУНЁД ЭТИЛДИКИ, УЛАР ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ РАМЗИ СИФАТИДА АСРЛАР ОША МАНГУ ТУРАЖАК. ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДА БУНЁД ЭТИЛГАН «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИ АНА ШУНДАЙ МУБОРАК ҚАДАМЖОЛАРДАНДИР. БЎЗСУВ СОҲИЛИДА БАРПО ЭТИЛГАН БУ УЛКАН ЁДГОРЛИК МАЖМУИДАН ЗИЁРАТЧИЛАРНИНГ ҚАДАМИ УЗИЛМАЙДИ.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланаётган шу кунларда бу маскан янада гавжумлашган. Зеро, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиб, мозий саҳифаларидан, ота-боболаримизнинг изтиробли кечмишларидан сабоқ чиқариб, нури келажак сари дедил интилишимизда бундай табарруқ қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Қатагон қурбонлари кунини муносабати билан 31 август эрта тонгида пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хибонидида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат баҳо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, хусусан, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ҳудудида янгитдан барпо этилган бинолар билан танишиди, музейнинг янги экспозициясини кўздан кечирди.

— Мустабид тузум қатағони қурбони бўлган минглаб ватандошларимизнинг аянчли қисмати, миллатимиз зиёлиларининг бошига тушган қора кунлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — деди Ислом Каримов. — Ёрқин ва фаровон кунларга эришишимизга ўз ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш — эзгу ва хайрли ишдир.

Маълумки, истиқлол туфайли юртимизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Айниқса, 130 йилдан зиёд давом этган мустамлақачилик йилларидаги тарихимизни ҳолисона ўрганиш учун қулай шарт-шароит яратилди — шўролар замонида тақиқланган тарихий манбалар, турли архивларда сақланаётган муҳим ҳужжатлардан фойдаланиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш имконияти туғилди.

Эзоқ йиллар давомида топталиб

келган миллий қадриятларимизни, аллома ва азиз-авлиёларимиз, давлат арбоблари ва саркардаларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида жонини фидо этган минг-минглаб инсонларнинг руҳини шод этиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда — қатагон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» хибони бунёд этилди. Мажмуа таркибидида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланиб келмоқда.

2007 йил 31 август кунини давлатимиз раҳбари «Қатагон қурбонлари хотираси» музейига таширфи чоғида музей фаолиятини қайта кўриб чиқиш, хусусан, унинг биносини кенгайтириш, илмий экспозицияни янгитдан шакллантириш бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадига Президентимиз томонидан махсус қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, махсус илмий гуруҳ тузилиб, изчил иш олиб борди.

Хозирги кунда музейнинг аввалги яқка гумбазли биноси ёнида унинг шарқона услубда қурилган иккинчи кўркам биноси қад ростлади. Музей гумбазларининг ички томони Самарқанддаги машҳур Тиллақори мадрасаси гумбазига яқин услубда безатилган. Мухташам заллардаги стендлар ва экспонатлар ўзаро уйғунлик касб этган. Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган бу мухташам бинода музейнинг бу бўлимидан иборат янги экспозицияси очилди.

Музей биносининг биринчи ва иккинчи залида чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олиншидан то мустақиллик давригача бўлган тарихий жараёнлар-

ни ўзида акс эттирувчи экспонатлар жойлаштирилган. Ушбу бўлимда «мардикорлик», «босмачилик», «қулоқ қилиш», «коллективлаштириш» деб ном олган турли оммавий қатагонлар билан бирга, мустабид тузумнинг сўнгги давридаги «Ўзбеклар иши», «пахта иши» каби сиёсий кампаниялар туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг ўта оғир фожияларни бошидан кечиргани ҳақида тарихий ҳужжатлар орқали ҳикоя қилинади.

— Энг буюқ жасорат нима деган саволга, ҳеч иккиланмасдан маънавий жасорат, — деб жавоб берсақ, ўйлайманки, адашмаган бўламиз, — деди Президентимиз. — Қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аяммай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни қилгани тарихдан яхши маълум. Инсоннинг эзгу амаллари эса ҳеч қачон унутилмайди. Ҳақиқатини аңламаган, тарихини билмаган халқнинг келажакга йўқ. Шу боис, тарихимизни теран, ҳолисона ўрганишимиз, айни вақтда мустақиллигимизни кўз қорачиқидай асраш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва миллатга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур синдиришимиз лозим. Улар ҳақни ноҳақдан, очки қорадан фарқлай олсин. Аждодлар билан фахрланишнинг ўзи камлик қилишини, уларга муносабат авлод бўлиш зарурлигини тушуниб етсин.

Музейнинг учинчи залидан ўрин олган экспонатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, шу жумладан, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ёритишга қаратилган.

Музейнинг янги экспозициясидан юзлаб ноёб фотосуратлар, тарихий ҳужжатлар, турли хил экспонатлар — нодир китоблар, ашёвий буюмлар ўрин олган. Уларнинг

барчаси халқимиз бугунги овозда эркин, фаровон ҳаётга эришиш учун не-не оғир синовлардан ўтганини яна бир бор яққол тасдиқлайди. Бу экспонатлар эл-юртимизнинг асл фарзандлари ҳар қандай вазиятда ҳам босқинчиларга бўйин эгмагани, зулм ва ўзвонликка қарши мардларча курашгани ҳақида атрофлича маълумот беради.

Музей энг илғор ахборот технологиялари ва замонавий дизайн талаблари асосида жиҳозланган. Ҳар бир бўлимдаги экспозициялар янги-янги тарихий экспонатлар, буюм ва ашёлар, матнли стендлар ва фотосуратлар билан бойитилган. Айни пайтда музей залларида видеомонитор, мультимедиа ускуналари ёрдамида тегишли лаҳзаларни томоша қилиш, тарихий маълумотларни бевосита эшитиш имконияти ҳам яратилган. Бу ерда тўпланган кўплаб видео ва аудио дисклар, шунингдек, электрон шаклдаги матнлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, музей биноси ва унда иш бошлаган янги экспозиция тимсолида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қатагон қурбонлари хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин намунасини кўриш мумкин. Бу ишлар, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз, айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёш авлоднинг онгу шуурини тарихий адолатга ишонч, эзгу инсоний фазилатларни қарор топтириш, уларнинг маънавий олами-ни юксалтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидир.

Шу кун Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниётларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎЗА)

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЭЛЧИХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ 29 АВГУСТ КУНИ ҲУРРИЯТИМИЗ, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ ҚЎЙДИЛАР.

ҲУРМАТ - ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Жозибадор фавворалар, ранг-баранг тошлар билан безатилган йўлқалар, тўрт фаслда ҳам гуркираб турувчи дарахт ва майсалар баҳр дилни очади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифода-лаб турибди. Монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирган ноёб мажмуадир.

Мамлакатимизда ўтайдиган умум-халқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш анъанага айланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли мақомдаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам таомил тусини олди.

Хорижий давлатларнинг юртимизда фаолият юритаётган элчихоналари раҳбарлари Ватанимиз истиқлолининг 17 йиллик байрами арафасида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйгани ҳам уларнинг миллий анъаналаримизга бўлган юксак ҳурмати ифодасидир.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Кён Джэ МИН:

— Мустақиллик майдонининг тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳия-

тини яққол ифодалайди.

Халқингиз катта тантана — Мустақиллик байрами арафасида турибди. Шарқ дарвозаси бўлиши қадимий ва навқирон Тошкент кундан-кунга чирой очмоқда. Пойтахтингизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ундаги бетакорор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар, маҳобатли иншоотлар, кенг ва озода кўчалар, сўлим боғлар ва сержило фавворалар ҳар қандай кишини мафтун этади.

Мамлакатингиз истиқлол йилларида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли, жаҳон сиёсати саҳнасида ўз овози ва нуфузига эга давлатга айланди. Давлатингиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг самаралари келажакда янада ошишига ишонаман.

Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Одил Муҳаммад Абдурашул Ҳасан ХАЁТ:

— Юртингиз Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро каби қадимий ва гўзал шаҳарлари билан дунёга машҳур. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди — чиройига чирой, кўрқига кўрк қўшилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Аждодларнинг бой меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Мустақиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этаман.

(ЎЗА)

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни она-Ватанимизнинг қутлуғ байрами —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.

Йўлларингиз ҳамиша равон, беҳатар ва чароғон бўлсин. Мустақил Ўзбекистонимиз бунданда гуллаб-яшнасин!



«12-АВТОБУС САРОЙИ»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Қадрли қўстлар,
пойтахтимиз меҳмонлари!

Сизларни она - Ватанимизнинг энг азиз, қадрли байрами Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан муборакбод этамиз. Ҳамиша соғу саломат, эл ишига камарбаста бўлиб юришингизга тилакдошмиз. Оилангиз тинч, дастурхонингиз тўқин бўлсин.

Масъулияти чекланган жамият (шаклдаги) «Жиззах ёғ экстракти» хорижий корхонаси жамоаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ОГАҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Билурсанким, бу олам бебақодур, Неким оламга келмиш бевафодур.

На бокий қолғусидур жоҳу давлат, На жовид ўлғусидур иззу шавкат.

Қараз мулку жаҳон султонлигинин, Бори аснофи одам хонлигинин.

Кишидин онда яхши от қолса, Ҳама кўрган, эшитган баҳра олса.

Ҳаёсиздин асло вафо истама, Вафосиздин асло ҳаё истама.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

(«Мабдаи нур»дан)

Ҳар на кишт эктинг, ўрарсан оқибат, Ҳар на бад қилсанг, кўрарсан оқибат.

Саргарон айлар сани кибру гурур.

Йўл юрурда ҳар киши саяй этмади, Манзили дорулбақога етмади.

Монеъи раҳдур бу кўп андишалар.

Шариат шохроҳи халқдур.

Бўлмағай ҳаргиз ани кори тамом, Кимки бўлди девдек мағрур ном,

Ҳезуми дўзах дегин мағрурни, Дину иймониға топмас нурни,

Бор эди шайтонга шундоғ иллоте, Бўйнига ортилди тавқи лаянате.

Кимки уйқуда қолди, қилур пушаймони.

Ишқ бир кимёду(р), ноқобилга ҳайф.

Бўлса бир фитна ҳама мулкни бузар.

Кимки ёди рихлат қилмади, анга диёнат йўк.

Кўзингни нури кетган сўнгра саяй этмоқға фурсат йўк.


Биров фарзанд доғида, биров муштоқи дунёда, Қараз ҳар дилға боқтим, ҳеч вақти бежароҳат йўк.

Токи ақлу нафс бокий бордур, Бандани йўл топмағи душвордур.

Ҳар талабда роҳату меҳнат бўлур. Топса давлат, охири иллат бўлур.

Ишқ кимёдулки, мисни зар қилур, Пашаи лоғарни Искандар қилур.

(Газетанинг навбатдаги сони 3-сентябрда чиқади)



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА 8-24 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИШТИРОК ҚИЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИ.



ЮРТ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда қабул қилинган "Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан XXIX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Республикаси спортчилари пул мукофотлари билан тақдирланди.

садида ҳар йили кўлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, улар замон талаблари даражасида жиҳозланаётди.

да Россия вакилини енгиб, икки қарра олимпия чемпиони, деган юксак унвонга сазовор бўлди. Унинг жамоадоши Сослан Тигиев эса кумуш медални кўлга киритди.

нинг кўплиги буйича ҳам муҳлису мутахассислар эътиборини қозонди.

Бу муваффақият замирида Ватанимизда Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мужассам эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Мукофотланган спортчилар давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, бундай гамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини сарбаланд эттиларини алоҳида таъкидладилар.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов топширди.

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

ТОШКЕНТДАГИ «МҲСК» СТАДИОНИДА ФУТБОЛ БҲЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ВА ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА НАЗОРАТ-ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ УЮШТИРИЛДИ.

Жанубий Африка Республикасида 2010 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш турнири IV босқичига ўйланма олган Рауф Ичилов баш мураббийлигидаги терма жамоамизнинг асосий мақсади жаҳон чемпионатида бориш бўлганлиги боис назорат ўртоқлик учрашувларини уюштириш фойдадан ҳоли эмас.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг IV босқичи беллашувлари 6 сентябрдан бошланади. Шу кунги Ўзбекистон терма жамоаси Доха шаҳрида майдон эгалари-қатарлик чарм тўп усталари меҳмони бўлади.

МУҲИМ УЧ ОЧКО

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 19-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ШАҲРИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ЛОКОМОТИВ» ЖАМОАСИГА МУҲИМ УЧ ОЧКОНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Тошкентда Наманганнинг «Навбахор» жамоаси билан куч синашган темирйўлчилар шу кунги уюшқоқ ҳолда сермазмун ўйин намойиш этишди.

Ушбу турнирнинг «Машъал» — «Бунёдкор» ва «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари иштирокидаги баҳслар бошқа кунга қолдирилди.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 20-тур беллашувлари 13,14 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

РИВАЛДО ТОШКЕНТГА КЕЛМОҚЧИ

КЕЙИНГИ ПАЙТДА ЧИЛИЛИК ХОСЕ ВИЛЬЯНУЭВА ВА ЛОТИН АМЕРИКАЛИК ЛУАЗО СИНГАРИ ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИНИ ЎЗ САФИГА ЖАЛБ ҚИЛА ОЛГАН ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИ ҲАҚИДА ЯНА ХОРИЖ МАТБУОТИДА ТУРЛИ ХАБАРЛАР ТАРҚАЛДИ.

«Франс Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра, айна кунларда Грециянинг «АЕК» клуби аъзоси, бразилиялик чарм тўп устаси, футбол юлдузи, 1999 йилда сайёранинг «Энг яхши футболчиси» номига сазовор бўлган Ривалдо «Бунёдкор» сафида фаолиятини давом эттириши мумкин.

Ривалдо Тошкентга келадими ёки йўқми, буни тез кунларда билиб оламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Ёшлар йили муносабати билан, шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шаҳримиздаги маҳалларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали ва уй-жойга муҳтож ёш оила қурувчилар қўллаб-қувватланиб, уларнинг тўй маросимларини ўтказиш, уй-жой олишлари борасида имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланган ва бу ишлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Яқинда Учтепа туман ҳокимлигининг тантаналар залида беш нафар болажонларнинг суннат тўйлари ва уч нафар келин-куёвларнинг никоҳ маросимлари ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Шухрат Муҳамедов йиғилганларни яқинлашиб келаётган Энг азиз байраминиз — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан, шунингдек кичкинтойларни суннат, мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўётган ёшларимизни эса никоҳ тўйлари билан самимий кутлаб, уларнинг келгуси ҳаётларида бахт-содат, ширин ва фаровон турмуш тилади.

Ватанимизнинг ҳар бир қарич тупроғи олтинга тенгдир, халқимиз эса бағри

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ-ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ КАТТА ТАНТАНАЛАР ВА ШОДИЁНАЛАР БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА. ТўЙЛАР ТўЙГА УЛАНГАН ҲОЛДА МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚўЙЁТГАН БАХТИЁР ЁШЛАРИНИ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИ ВА КИЧКИНТОЙЛАРИНИ СУННАТ ТўЙЛАРИ КўТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Туманларда

ТўЙЛАР ТўЙГА УЛАНДИ

кенг, саховатлидир. Шундай экан бу жаннатмакон юртин, унинг захматкаш одамларини, келажакни парлоқ, истиқболни ёрқин ёшларини асраб-авайламоғимиз керак.

Севимли санъаткорлар-у, таниқли хонандалар ижросида янграган дилтортар, шўх тароналар, жозибали рақслар барчани даврага чорлади.

нинг умрлари узун бўлиб, ишларига барака берсин. Никоҳ тўйлари ўтказилган тенгдошларим номидан яна бир бор барча ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб қолам.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ота-оналар ва маҳалла фаоллари мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилаётган самарали ишлар ҳақидаги ўз фикрларини билдириш баробарида ёшларга бахтли ҳаёт, фаровон турмуш тиладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хайр-саховатга йўғрилган эзгу ишлар кенг қулоқ ёймоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Учтепа туманида ўтган тўй маросимларидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ. 2008 йил 30 АВГУСТДАН БОШЛАБ 2008-2009 йилги МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ! 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАՆГ-БАРАНГ ДАСТУР.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бюролма Г-806

Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» ноширёт-матбоси оқшомдорлик компанияси босмахонаси. Корхона маъноси: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

Тошқирилган вақти: 02.20